
ФАРҒОНАДА “ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ” КЎКРАК НИШОНЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган 10 нафар фарғоналикларга “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонларини топшириш маросими ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Тошев иштирок этди.

Тақдирлаш маросимида сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров барча йиғилганларни Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор қутлаб, “Президентимиз томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя барчамизни бирлаштирди. Ушбу тамойил билан бошланган ислохотлар динидан, тилидан, миллатидан қатъий назар Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат, элат вакилларининг ҳар бирининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган” деб таъкидлади.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Тошев ҳам Халқлар дўстлиги куни кенг миқёсда ўтказилганини қайд этди. Миллий маданий марказлар фаолияти, уларга яратиб берилган қулайликлар ҳақида гапириб, вилоятимиздаги турли миллатлар ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Шундан сўнг кўтаринки кайфиятда мукофотларни ўз эгаларига топшириш жараёнлари бошланди.

Фарғона вилояти татар маданий-маърифий маркази раиси Альбина Каримова, Фарғона вилояти яхудий миллий маданий маркази раиси Семён Абдурахмонов, Фарғона вилояти славянлар миллий маданий маркази аъзоси Раиса Костромина, “Wiedergeburt” Ўзбекистон немис маданий маркази Фарғона вилояти бўлими ҳунармандчилик ва пазандачилик тўғараги раҳбари Ольга Миллер, Фарғона тумани 46-умутаълим мактаби қирғиз тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Эътиборхон Жумаева, Сўх тумани “Ленбур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайратжон Ниматов, Қувасой шаҳар ИИБ жамоат ҳавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси профилактика катта инспектори Муроджон Қосимов, Сўх тумани “Иноятуллоҳ” жоме масжиди имом-хатиби Воҳиджон Камолов, Қўштепа тумани “Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ” жоме масжиди имом-хатиби Алимбек Илёсовлар “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини вилоят ҳокими ва қўмита раиси ўринбосаридан қабул қилиб олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-13 18:29:47